

2022 йил "18" СЕНТЯБР

Тошкент шаҳри

Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб номланувчи) *Низом* асосида иш юритувчи раҳбар *Ш.Қурбонов* бир томондан ва *Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти директор А.Б.Уразкелдиев* (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб номланувчи) иккинчи томондан *Низом* асосида иш юритиб, ушбу шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 "Буюртмачи *Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази* "*Сугориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома яратиш*" илмий тадқиқот иши мавзусида тадқиқот олиб бориш бўйича топшириқ беради, "Бажарувчи" эса топшириқни бажаришни ўз зиммасига олади.

1.2 Шартнома бўйича тадқиқот иши натижаларини топшириш вақти **31.12.2022 йил**

1.3 Шартнома асосий босқичларининг таркиби ва бажарилиш вақти шартномани бажаришнинг тақвимий режасига асосан белгиланади.

1.4 Топшириқни бажариш бўйича илмий-техник ҳисоботни қабул қилиш ва баҳолаш шартнома техник-иқтисодий асосланмаси бандларига мувофиқ амалга оширилади.

? 1.5 Илмий-техник маҳсулотдан ерларнинг мелиоратив ҳолатини мониторингини юритиш соҳасида фойдаланилади.

2. ШАРТНОМА ИШИНING БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1 Бажарилган илмий-техник топшириқ учун "Буюртмачи" 1-иловасидаги шартнома қиймати тўғрисидаги келишувга мувофиқ "Бажарувчи" ҳисобига **98 000 000.00 (Тўқсон саккиз миллион)** сўм ҚҚСолиғи сиз ўтказади.

2.2 Ҳақ тўлаш "Буюртмачи" ва "Бажарувчи" келишувига мувофиқ бажарилган иш учун босқичма-босқич амалга оширилади.

2.3 Шартнома имзолангандан кейин "Бажарувчи" ўз мажбуриятларини бажаришга киришиши учун "Буюртмачи" йиллик шартнома қийматининг 30 % га тенг маблағни бўнак сифатида "Бажарувчи"нинг ҳисоб рақамига ўтказади.

2.4. Шартнома умумий суммасининг қолган 70 % ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаларига асосан қонунда белгиланган тартибда ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.

3. БАЖАРИЛГАН ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1 Шартнома иши бажарилишининг алоҳида босқичларида бажарилган ишнинг натижалари тақвимий режага (илова 2) мувофиқ тарзда тўлиқ ёритилган ахборот-ҳисобот кўринишида тақдим қилинади ва топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактураси билан ҳужжатлаштирилади.

3.2 Тадқиқот иши тўлиқ бажарилгандан кейин "Бажарувчи" "Буюртмачи"га бажарилган ишлар натижалари бўйича якуний тўлиқ ҳисобот тақдим этади.

3.3 Тадқиқот иши муддатидан олдин бажарилган тақдирда "Буюртмачи" уни муддатидан олдин қабул қилиш ҳуқуқига эга ва белгиланган тартибда ҳақ тўлайди.

3.4 Тадқиқот ишининг бажарилиш жараёнида натижаларнинг салбий бўлиши муқаррарлиги ёки ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, "Бажарувчи" ишни тўхтатиши ва бу ҳақда иш тўхтатилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида "Буюртмачи"га маълум қилиши шарт. Мазкур ҳолатда томонлар 10 кун ичида ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини

кўриб чиқишлари лозим.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Бажарувчининг хуқуқлари:

- Буюртмачидан мажбуриятларни ўз вақтида бажарилишини талаб қилиш;
- шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўлов олиш;

4.2. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- шартномада белгиланган муддатларда хизмат кўрсатиш;
- шартноманинг 1.1 бандида кўрсатилган хизматларни муддатида ва сифатли бажариш;

4.3. Буюртмачининг хуқуқлари:

- Бажарувчидан ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни талаб қилиш;
- шартнома бўйича бажариладиган ишни талаб қилиш;
- Бажарувчидан шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажариш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот тақдим этишни талаб қилиш.

4.4. Буюртмачини мажбуриятлари:

- шартнома шартларига мувофиқ хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи" ва "Бажарувчи" амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

5.2 Ушбу шартнома бўйича томонлар ўртасида ҳосил бўлган келишмовчиликлар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

6. ФОРС-МАЖОР.

6.1 Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар "ёнгин, сув тошқини ва бошқа шу каби ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари", агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбуриятларни бажарилмаганлиги учун Томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

6.2. Фавқулодда вазиятлар юзага келганда ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш имконияти бўлмаган тақдирда, Томонлар 5 (беш) иш кун ичида бошқа Томонга бундай ҳолатлар ва уларнинг сабаблари тўғрисида ёзма равишда хабар юбориши мажбурийдир.

6.3. Томонлар форс-мажор ҳолатлар билан боғлиқ бўлган зарар ёки харажатлар учун жавобгар эмасдирлар.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича вужудга келадиган ҳар қандай низо ёки келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал этилади.

7.2. Томонлар ўртасида юзага келган келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал этиб бўлмаса, улар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд орқали ҳал қилинади.

8. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

8.1. Агар Томонларда ушбу шартнома бўйича этирозлар мавжуд бўлмаса, икки тарафнинг розилиги билан шартнома маълум муддатга узайтирилиши мумкин.

8.2. Шартномани амал қилиш муддати тугаши Томонларни шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш мажбуриятидан озод этмайди.

8.3. Шартнома, ҳамда шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1-илова, 2-илова мазмунан бир хил ва Томонлар учун бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

8.4. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёки қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича амалга оширилади

8.5. Томонлар хизматларни кўрсатишда шартнома шартлари бузилган тақдирда шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Томонлар хизматларни кўрсатишда шартнома шартлари бузилган тақдирда шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1 Шартнома доирасида яратилган илмий-техник маҳсулотга Томонлар Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларига риоя қилган ҳолда муносабатда бўладилар ва унга тенг ҳуқуқли эгаллик қиладирлар.

9.2 Томонларнинг ўзаро келишуви асосида бошқа қўшимча шартлар ҳам қўлланилиши мумкин.

10. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ

10.1 Ушбу шартноманиннг муддати 2022 йил «18» сентябрь дан 2022 йил «31» декабргача белгиланади. Бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар учун тузилган шартномалар Ҳазначилик бўлимида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирилади ва амал қилиш муддати 2022 йил «31» декабргача белгиланади.

10.2 Томонларнинг манзиллари ва ҳисоб рақамлари:

"Буюртмачи"

Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази

«АХБОРОТ ТАҲЛИЛ ВА РЕСУРС МАРКАЗИ»
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани 1А-уй
Х/Р: 2340 2000 3001 0000 1010
Ўзбекистон Респ. Молия Вазирлиги Ҳазначилиги
Ш/х.в.: 100010860262777042402170006
МФО: 00014 Марказий банк Бош офиси
ИНН: 201 122 919 ОКЭД: 74900



2022 йил "18" сентябрь

юр.ст.

"Бажарувчи"

Ирригация ва сув муаммолари
илмий-тадқиқот институти

Манзил: Тошкент шаҳри
100187, Қорасув-4, 11-уй
Тел/факс: 99 434 43 28
Л/с: 400110860262697048230170001
ИНН: 302259434, ОКОНХ: 95120
ОПЕРУ КАЗНАЧЕЙСТВА МИН.ФИН.РУз
Каз/сч: 23402000300100001010

МБ ББ ХККМ Тошкент ш.

МФО: 00014

ИНН:

20112-ИНН: 201122919
2919





“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ирригация ва сув муаммолари
Илмий-тадқиқот институти директори

А. Уразкелдиев

2022 йил

“Сугориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатни баҳолаш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома яратиш” мавзусидаги тадқиқот ишини бажариш учун

ҲАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ

2022 йил 18 сентябр даги 3 сонли шартномага №1 илова

Ҳаражатлар тури	Жами ҳаражатлар, сўм
Сотиб олинishi режалаштирилган хомашё, асбоблар ва техник воситалар	2 000 000,00
Иш хақи	59 000 000,00
Ягона ижтимоий тўлов (25%)	14 800 000,00
Хизмат сафари ҳаражатлари	1 500 000,00
Канцтоварлар, ёзув қоғози	700 000,00
Илмий мақолалар чоп қилиш	1 000 000,00
Устама ҳаражатлари 20 %	19 000 000,00
ЖАМИ	98 000 000,00

Лойиҳа раҳбари

А.Утаев

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ирригация ва сув муаммолари
илмий-тадқиқот институти директори

А. Уразкелдиев

«18 июль» 2022 йил

“Сугориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатни баҳолаш ва назорат қилиш бўйича
йўриқнома яратиш” илмий тадқиқот иши

КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

2022 йил 18 июль даги 3 сонли шартномага №2 илова

№	Амалга ошириладиган ишлар ва босқичлари	Ажратилган маблағ (млн.сўм)	Бажариш муддати	Бажарувчилар
11	Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати, гидромелиоратив тизимларнинг техник ҳолати ҳамда сугориладиган ерларнинг сув билан таъминланганлик ва дренажланганлик даражасини баҳолаш услубини такомиллаштириш.	33,0	июль	PhD А.Утаев PhD З.Джумаев, к.х.ф.н. А.Уразкелдиев, PhD С.Гаппаров, PhD У.Садиев
22	Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва гидромелиоратив тизимларнинг техник ҳолатини баҳолашда башорат қилишга имкон берадиган умумий ва хусусий сув-туз балансларини тузиш. Мелиоратив кадастрни олиб бориш методикасини ва баҳолаш мезонларини такомиллаштириш.	33,0	август-сентябрь	PhD А.Утаев PhD З.Джумаев, к.х.ф.н. А.Уразкелдиев, PhD С.Гаппаров, PhD У.Садиев
33	Мелиоратив кадастрни олиб бориш методикасини ва кўрсаткичларини такомиллаштириш асосида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш.	32,0	октябрь-декабрь	PhD А.Утаев PhD З.Джумаев, к.х.ф.н. А.Уразкелдиев, PhD С.Гаппаров, PhD У.Садиев,
Жами		98,0		

Лойиха раҳбари



А.Утаев

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Ахборот-таҳлил ва ресурс
маркази бошлиғи

Ш. Қурбонов

18 июль 2022 йил

**Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази
Давлат харидлари бўйича комиссиясининг
3 сонли йнғилиш**

БАЁНИ

18 июль 2022 йил

Тошкент шаҳри

Раислик қилди: Ш.Хайдаров давлат харидлари бўйича комиссия раиси

Иштирок этганлар: Н.Атакулов, Д.Кдирбаев, И.Ахмедов, Ф.Комилов, Давлат харидлари бўйича комиссия аъзолари
И.Махмудов Давлат харидлари бўйича комиссия котиби

Қатнашганлар: У.Эрназарова бош юристконсулти, В.Рахимов бош ҳисобчи кузатувчи сифатида

КУН ТАРТИБИ:

Суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатни баҳолаш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома яратиш мавзусида илмий-тадқиқот ишини ишлаб чиқишга давлат харидлари порталига жойлаштирилган эълон бўйича тижорат таклифи билан катнашган ташкилотларни кўриб чиқиш ва ғолиб ташкилотни аниқлаш.

(Хайдаров, Атакулов, Кдирбаев, Ахмедов, Комилов, Махмудов, Эрназарова, Рахимов, Хайдаров)

Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази томонидан 2022 йил 30 июнда Ўзбекистон Республикаси товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига илмий ишлар бўйича лот рақами 22110012116701 билан “Суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатни баҳолаш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома яратиш” мавзусида эълон жойлаштирилган. Мазкур эълон жорий йилнинг 13 июлда энг яхши таклифлар танлаш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган илмий ишлар баённомасига асосан Комиссия аъзолари томонидан “Ирригация ва сув муоммолари илмий-тадқиқот институти ғолиб деб топилган.

Юқоридаги ташкилот томонидан берилган тижорат таклифлари ва фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон билан

тасдиқланган **Қонун** талаблари ва баҳолаш мезонлари асосида кўриб чиқилди, ҳамда Давлат харидлари бўйича комиссия аъзолари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар тингланиб, йиғилиш

Қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуннинг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама учун жойлаштирилганлиги, ҳамда ушбу қонунда белгиланган муддатларда жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътироз ва қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Давлат харидлари порталига жойлаштирилган эълон бўйича “Суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатни баҳолаш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома яратиш” мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун, баҳолаш мезонлари талабларига асосан “Ирригация ва сув муоммолари илмий-тадқиқот институти” голиб деб топилганлиги инобатга олинсин.

3. Бош ҳисобчи (В.Рахимов)га:

Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази Давлат харидлари бўйича комиссиясининг 2022 йил 13 июлдаги электрон баённомасига асосан голиб деб топилган “Ирригация ва сув муоммолари илмий-тадқиқот институти” билан қонунчиликда белгиланган тартибда шартнома тузиш ҳамда давлат харидлари порталига тегишли маълумотлар жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Комиссия аъзолари илмий ишлар сифатини назорат қилсин.

Комиссия раиси:



Ш.Хайдаров

Комиссия аъзолари:

Сектор бошлиғи:



Н.Атакулов

Сектор бошлиғи:



Д.Кдирбаев

Бош мутахассис:



И.Ахмедов

Ётақчи мутахассис:



Ф.Комилов

Бош мутахассис:



И.Махмудов



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 116701 на приобретение Суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатни баҳолаш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома яратиш

Способ проведения электронный

Дата 13.07.2022

Время рассмотрения 13.07.2022 11:51

Конкурсная комиссия Кишлоқ ва сув хужалиғи вазирлиғи қошидаги Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XAYDAROV SHUXRAT MAMATKARIMOVICH	Бўлим бошлиғи	Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази
Член комиссии	AXMEDOV IXTIYOR RAHMATILLA YEVICH	Бош мутахассис	Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази
Секретарь комиссии	Махмудов Исломжон Икромжон угли	Бош мутахассис	Ахборот -таҳлил ва ресурс маркази
Член комиссии	Комилов Фаррухбек Жаҳбарали ўғли	Етакчи мутахассис	Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази
Член комиссии	KDIRBAYEV DAURANBEK BORANBAY ULI	Сектор бошлиғи	Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази
Член комиссии	ATAQULOV NURKAMOL UMAROVICH	Сектор бошлиғи	Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.07.2022 года № лота 116701.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Выполнение научно-исследовательских и опытно-технологических работ, разработка нормативно-правовых актов
Подробное описание	Суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатни баҳолаш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома яратиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	50 000 000.00
Стартовая сумма	50 000 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Выполнение научно-исследовательских и опытно-технологических работ, разработка нормативно-правовых актов
Подробное описание	Суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатни баҳолаш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома яратиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за	50 000 000.00

единицу	
Стартовая сумма	50 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Илмий ишлар натижасида самарадорлик бўлиши керак

Тип: Текстовое значение

Описание: Илмий ишлар натижасида самарадорлик бўлиши керак

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ XO'JALIGINI MEKANIZATSIYALA	25	guvohnoma	15	Экспертная		
SUV MUOMMO.ILMIY-TADQIQOT INST	25	Маълумот юкланган	20	Экспертная		

Критерий №2 Танловда иштирок этадиган корхонанинг илмий ишларда кўрсатилган вазифаларни бажариш бўйича етарли малакага, иш тажрибаси ҳамда илмий даражага эга ҳодимларни мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг илмий ишларда кўрсатилган вазифаларни бажариш бўйича етарли малакага, иш тажрибаси ҳамда илмий даражага эга ҳодимларни мавжудлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ XO'JALIGINI MEKANIZATSIYALA	25	guvohnoma	20	Экспертная		
SUV MUOMMO.ILMIY-TADQIQOT INST	25	Малакали ходимлар	20	Экспертная		

Критерий №3 Илмий ишнинг сифатли бажарилиши учун Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Илмий ишнинг сифатли бажарилиши учун Кафолат хати

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ XO'JALIGINI MEKANIZATSIYALA	20	guvohnoma	10	Экспертная		
SUV MUOMMO.ILMIY-TADQIQOT INST	20	Кафолат хати мавжуд	15	Экспертная		

Критерий №4 Илмий ишларда кўрсатилган вазифаларни бажариш учун зарур техникавий, молиявий ва моддий

ресурслар ҳамда асбоб-ускуналарни мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Илмий ишларда кўрсатилган вазифаларни бажариш учун зарур техникавий, молиявий ва моддий ресурслар ҳамда асбоб-ускуналарни мавжудлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ XO'JALIGINI MEXANIZATSIYALA	20	гувохнома	15	Экспертная		
SUV MUOMMO.ILMIY-TADQIQOT INST	20	Моддий техника ва асбоб ускуналар мавжуд	15	Экспертная		

Критерий №5 Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик ва солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик ва солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ XO'JALIGINI MEXANIZATSIYALA	10	гувохнома	10	Экспертная		
SUV MUOMMO.ILMIY-TADQIQOT INST	10	Маълумот тақдим қилинди 1 пунктда	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
SUV MUOMMO.ILMIY-TADQIQOT INST	100 000 000.00	98 000 000.00 UZS	98 000 000.00	00.00	98 000 000.00	07.07.2022 14:52:05	00.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
SUV MUOMMO.ILMIY-TADQIQOT INST	80	0	80

TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ XO'JALIGINI MEXANIZATSIYALA	70	0	70
---	----	---	----

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 116701 от 13.07.2022 года на приобретение Суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатни баҳолаш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома яратиш определила победителем:

SUV MUOMMO.ILMIY-TADQIQOT INST
302259434

и резервный исполнитель: TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ XO'JALIGINI MEXANIZATSIYALA (207095330)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	АТАҚУЛОВ НУРКАМОЛ УМАРОВИЧ	Согласен	
Член комиссии	Комилов Фаррухбек Жакбарали ўғли	Согласен	
Член комиссии	АХМЕДОВ ИХТИЙОР РАХМАТИЛЛАЕВИЧ	Согласен	
Председатель комиссии	ХАЙДАРОВ ШУХРАТ МАМАТКАРИМОВИЧ	Согласен	
Член комиссии	КДИРБАЕВ ДАУРАНБЕК БОРАНБАЙ УЛИ	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП